Ушбу сонда:
2 СОЛИҚЛАР *асосли, барқарор ва мослашувчан бўлсин*
3 TV — ДАСТУРИ
4 *Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига* ЮЛДУЗЛАРДАН РАНГ ОЛГАН ШАҲАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 26 феврал, сешанба №33 (1250)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р.Ё.Исаевни Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Рустам Ёқубович Исаев Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 феврал

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 феврал куни Оқсаройда АҚШнинг «Кейс-Нью Холланд» компанияси президенти ва ижрочи директори Паоло Монферино ҳамда мазкур компания директорлар кенгашининг раиси Жан Пьер Россони қабул қилди.

«Кейс-Нью Холланд» 1999 йилда «Кейс корпорейшн» ва «Фиат» гуруҳига кирувчи «Нью Холланд» компаниялари бирлашувидан пайдо бўлган. У бугунги кунда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Айтиш жоизки, у Ўзбекистон билан алоқаларни муттасил ривожлантириб бормоқда. Айни чоғда мамлакатимизда «Кейс» русумидаги ғалла ва шоли ўруғчи комбайнлар, ер ҳайдовчи трактор ва пахта терувчи машиналарнинг сони 4,5 мингтадан ортди.

Ўзаро ҳамкорлик доирасида «Кейс» русумли пахта териш ва ер ҳайдаш тракторларининг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича дастурлар тайёрланган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва техника воситаларини таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш мақсадида «ЎзКейссервис» қўшма корхонаси тузилган. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоятларида хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилган.

Умуман, компания билан ҳамкорлик самарали кечмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ривожи учун замонавий технология ғоят зарурлиги маълум. Шундай экан, «Кейс-Нью Холланд» билан ҳамкорлик кўламини кенгайтириш аҳамиятлидир.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида ўзаро шериклик муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига эса доимий фаровонлик ва равнақ ато этишини сўрайман.

Юксак эҳтиромлар ила,

Муҳаммад Ҳусний Муборак, Миср Араб Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сизни Қурбон ҳайити муносабати билан самимий қутлайман. Фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ва ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ, бахт, дўст ва қардош ўзбек халқига эса омонлик ва фаровонлик тилайман.

Аҳмет Неждет Сезер, Туркия Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Индонезия ҳукумати ва халқи номидан самимий табриклар йўллашдан бахтиёрман. Қодир Аллоҳ бизга доим мададкор бўлсин ва ислом умматига биродарлик ҳамда бирдамлик ато этсин.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақият тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

Мегавати Сукарнопутри, Индонезия Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар йўллайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса давомий равнақ ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ Иккинчи, Иордания Подшоҳи

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу!

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ҳамда биродар ўзбек халқига Сурия халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табрик ва энг яхши тилаклар йўллаш менга катта сурур бахш этмоқда.

Жаноби Олийлари, Аллоҳ таолодан бу муқаддас байрамни соғ-саломатлик, бахтиёрликда, халқингиз ва ислом уммати эса тинчлик ва фаровонликда такрор ва такрор кутиб олишини сўрайман.

Башар Ал-Асад, Сурия Араб Республикаси Президенти

НАВРЎЗГА ПЕШВОЗ

Туну кун ёққан ёмғир фаслар келинчаги баҳор нафасини олиб келди. Қир-адирлар ямяшил тус олиб, ажиб манзара касб этмоққа бошлади. Боботоғ узра эсаётган майин шабада майса-ю, чечаклар бўйини димоққа уфуради. Бодомзорлар қийғос оқ либосга бурканиб, бойчечак юз кўрсатиб қўйди.

Узунликлар ҳам Наврўзи олам байрамини ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан қарши олмоқдалар. Барча хўжалик ва корхоналар, муассасалар ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш тадбирларини поёнига етказишди. Бу борада «Гулистон», А.Алиев номли ширкат хўжаликлари, туман халқ таълими бўлими, 135-«Узун пахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳар йилгига қараганда уч-тўрт карра кўп мевали ва манзарали ниҳоллар ўтказишди.

Айни дамда барча маҳаллаларда, якка-ёлғиз, қаровчиси йўқ қариялар, моддий ёрдамга муҳтож оилаларнинг уй-жойларини ҳашар йўли билан таъмирлаб бериш давом этмоқда. Хуллас, бўлажак тантаналарнинг ўзгача тароватини ҳозирданоқ ҳис қилиш мумкин. Халқ қўшиқлари, лапарлари янграмоқда. Янги удумлар, қадимий урф-одатлар одамлар ўртасида тарғиб қилинмоқда.

Дошқозонларда сумалаклар ҳиди тараладиган онларга ҳам ҳеч қанча вақт қолмади. 5 мартдан бошлаб туман марказидаги «Хотира ва қадрлаш» майдони, Алпомиш ўйингоҳи, хўжалик ва муассасалар тасарруфидаги истироҳат боғлари, маданият масканларида «Наврўз» тантаналари бошланади. Ҳар бир хўжалик катта концерт, спорт ўйинлари, мусобақалар ўтказиб, ғолибларни қимматбаҳо совға-саломлар, пул мукофотлари билан тақдирлайди. Тантаналар иштирокчиларига бепул иссиқ овқат, Наврўз таоми — сумалак тортилади. Спорт мусобақалари — миллий кураш, кўпкари, волейбол, футбол ўйинлари ғолибларини турли-туман мукофотлар кутмоқда.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

АДОЛАТНИНГ ЮЗАГА ЧИҚИШИ

ҳуқуқшунос, ходимнинг билими, тажрибаси ва қатъиятлигига кўп жиҳатдан боғлиқ

Асосий Комусимизда фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи белгилаб берилган. Улар меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ифода этади ҳамда ҳимоя қилади. Бу — касаба уюшмалари жамиятдаги ҳуқуқий маконининг асоси ҳисобланади.

Зотан, юртдошларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қиладиган, лозим бўлса бунинг учун қатъий кураша оладиган энг оммавий ташкилот — касаба уюшмаларига тобора кўпроқ ишонч билдираётганлари сабаби ҳам балки шундандир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси фаолиятининг фақат бир-икки йўналишинигина таҳлил этганимизда юқоридаги мушоҳада ҳаётийлигини ҳис этдик. Буни бир неча мисоллар орқали изоҳлаб беришга уриниб кўрайлик.

Марказий қўмитага кириб келган аёлнинг сўзларини бемалол тинглаб бўлмасди.

— Республика Онкология илмий марказида ҳамшира бўлиб ишлайман, - деди у. - Мени ҳатто огоҳлантирмасдан вазифамдан озод этишибди. Агар, биронта айбим бўлганида бошқа гап эди. Ёрдамингизни аяманглар...

Ҳуқуқшунос Карим Мухторов шикоят хати билан шу заҳотиёқ шуғулланишга киришди. Текшириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам Ф.Муҳитдинова илмий марказ раҳбарининг 2001 йил 21 июндаги 86 ш/т-сонли буйруғи билан вазифасидан озод этилган.

Мазкур ғайриқонуний ҳолатга барҳам бериш, адолатни ўз жойида қарор топтириш учун энг аввало, текширувчи, яъни қўмита мутахассиси меҳнат қонунчилигини мукаммал ўзлаштирган бўлиши керак. Аслида ҳам шундай бўлди. Касаба уюшма мутахассиси ариза̀чи ҳақ-ҳуқуқининг қонун доирасида тўла муҳофаза этилгунига қадар тиниб-тинчимади. Бунинг натижаси ўлароқ, Ф.Муҳитдинова маъмурият раҳбарининг тегишли буйруғи билан ўз вазифасига қайта тикланди ва мажбурий бекор юрган вақти учун ҳақ ундириб берилди.

(Давоми 2-бетда)

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

ЕР УМРИНИ ЗОЕ ЎТКАЗАЁТГАН КИМ?

«Қанчадан-қанча ерлар, энг аввало суғориладиган экинзорлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Кўплаб дала майдонлари ҳар йили турли баҳона-ю сабаблар билан экилмай қолмоқда. Ер майдонларидан белгиланган мақсадларга зид равишда ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатлари, минг афсуски, ҳар қадамда учраб турибди».

(Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 февралдаги мажлиси ҳужжатларидан).

Сирдарёлик деҳқон қалбини ўртаётган нуқсону муаммоларни Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги нутқида лўнда таърифлаб берди. Вилоятда экин экиладиган 248 минг гектардан ортиқ майдоннинг 150 минг гектари кам, 71,1 минг гектари ўртача ва 23,2 минг гектари кучли шўрланган. Мураккаб шароит деҳқон меҳнатининг рўёбга чиқишига, орзулари ушалишига тўсиқ бўлаяпти.

Тан олиш керак, Мирзачўл тупроғи унумдорлиги пасайиб, ҳосил етиштиришда янги-янги муаммолар пайдо бўла бошлади. Бу масаланинг бир томони, иккинчи жиҳати эса хўжалик раҳбарларининг ишни ташкил этишдаги нўноқлиги сезилиб қоляпти. Бунга бир мисол. Шароф Рашидов туманидаги Ғафур Ғулом номли хўжалик раҳбари Абдували Мисиров дала ишларини ташкил қилишда ғайри қонуний усуллар қўллаб, одамларнинг унумли ишлашига сунъий тўсиқлар пайдо қилган. У хўжалик аъзолари, оилавий пудратчиларга, ер олган ижарачиларга ерни қонунда белгилаб қўйилган беш йил ўрнига бир йилга ижарага бериб келган. Боз устига ўзини деҳқончилик пири ҳисоблаб, ой ораси ёғингарчилик кўп бўлади, беҳуда уруғликка куйиб қолмайлик деган мулоҳазада экинтикинни кеч бошлашга даъват этган. Оқибатда ер олиб, деҳқончилик қилаётганлар май ойида чигитни нами қочган тупроққа қадаб, минг азобда ундиришади. Шу боис хўжаликда ҳосил топшириш режаси бажарилмади. Одамлар моддий томондан мушкул аҳволга тушиб қолди.

Президентимиз «Баъзи ношуд, уқувсиз бир одам минглаб одамларни танг ҳолда қолдиради», дея уқтириб ўтган эдилар. Дарҳақиқат, А. Мисиров ана шундай хатога йўл қўйди. Ўрта Осиё пахтачилик илмий текшириш институтига қарашли тажриба хўжалиги номига ҳам доғ туширди.

Халқимизда «Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди», деган нақл бор. **Бугун вилоятда 719 гектар ердан самарасиз фойдаланганлиги, 601 гектар майдоннинг ҳисоботдан яшириб қолинганлиги Мисиров сингари хўжалик раҳбарларининг «уддабуронлиги» оқибати эмасми?** Тумандаги «Нуроний-илҳом», «Нилуфар», «Ўктам—2» фермер хўжаликларининг режалаштирилган экинни ундириб, мўмай даромад олиш ўрнига ерни талон-тарож қилиш ҳисобига бойиб қолишга интилишини қандай баҳолаш мумкин? Ахир, эл-юрт ризқ-рўзига чанг солишнинг охири вой эканлигини наҳотки улар билишмаса.

Ерни эгаси қўлига топшириш борасида кўп гапирилди. Бу борада анча ишлар қилинди ҳам. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, тасодифан ерга эга бўлганлар ҳам йўқ эмас. Аслида улар ердан тер тўкиб даромад олишни эмас, аксинча, маълум майдон хўжайинига айланиш фикрида бўлган кўринишади. Бир мисол. Меҳнатобод туманидаги Эргаш Қаҳҳоров номли деҳқон-фермер хўжалиги оилавий пудратчилари Раҳмон Тўрақулов, Одил Маматқобилов кўзни чирт юмиб пахта топшириш тўғрисидаги шартномани имзолашган. Аммо давлатга бир тонна ҳам хомашё топширилмаган. Ана шундай пудратчиларга суянган хўжалик йилни биргина пахтачиликдан 20 миллион сўмдан зиёд зарар билан якунлади. Ҳар гектар ердан 8 центнердан ҳосил йиғиштириб олинишидан ҳеч ким ташвишга тушмагани ачинарлидир.

— Ердан фойдаланишдаги ўзибўларчилик оқибатида баъзи майдонлар беқор қолиб кетаётгани рост. Йил якунига бағишланган йиғилиш биз, раҳбарларни янада ҳушёр торттирди, — дейди Мирзаобод туманидаги «Оқ олтин» деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбари Сайфиддин Исроилов, — талаблар даражасида ишлай олмаётганимизни қалбдан ҳис этдим. Рост-да, нега биз қўшнилар ютуғи-ю, камчилигига бефарқмиз? Ахир, режалар бой берилаётганига, хўжалик иқтисоди ночорлигида бизнинг айбимиз йўқми? Бу йил хўжалигимиз фермерлар уюшмасига айлантирилди. Ерни ўз эгалари қўлига топшираяпмиз.

Ердан фойдаланишнинг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтдик. Энди бир муаммога тўхталайлик. Маълумки, Мирзачўл мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган чўлқуварлар юрти. Воҳаларнинг биридан бўз ерда ишлашга орзуманд бир гуруҳ кишилар Сирдарёга келади. Эрта кўклам деҳқонлар қўлга кетмон олиб далага отланади. Кетмон урса майин, юмшоқ тупроқдан завқланади. Мана ер, бир ишлашни кўрсатиб қўяй дея мақтаниб ҳам қўяди. Қадалган уруғ сира нишон кўрсатмайди. Вақт ўтган сари тупроқ дағаллашиб, сур ранг тортиб бораверади. Босганда қисирлайди. Атрофдагилар деҳқонга шўр қўтарилаётгани, ерга уруғ қадаш билан иш битмаслигини тушунтиришади. Бу сирли заминга бас келолмаслигини англаб етган деҳқон тил тишлаб қолган экан. Таассуфки, ер таркибини, тупроқ унумдорлигини оширишга дахлдор ишлар сусайиб кетди. Оддий бир мисол. Ўтган йили 738 та тик қудуқнинг 459 таси турли сабабларга кўра ишлатилмаган. 16,4 минг километр узунликдаги зовурларни тозалашда ҳам сусткашлик бор. **301 та ер ости сувларини қочиришга мўлжалланган қудуқлар ташланди, ҳолга келиб қолган. 738 та тик қудуқларнинг 459 таси ишламаётгани ерлар самарадорлиги камайишига олиб келмоқда.** Бу муаммолар деҳқончилик юксалиши, сифатли мўл ҳосил яратишга тўсиқ бўлиб келаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Биз қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларда кўзга ташланиб қолган баъзи муаммоларга тўхталдик, холос. Вилоятда ер самарадорлигини ошириш юзасидан жиддий ишларга қўл урилган. Хусусан, ҳосилдорлиги ўта паст, шўрхок ҳудуддаги Мирзаобод ва Меҳнатобод туман хўжаликлари ер майдонлари фермерларга тақсимлаб берилди. Бир сўз билан айтганда, ер ҳақиқий эгасига топширилди. Аммо бу дастлабки қадамлар холос...

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

АДОЛАТНИНГ ЮЗАГА ЧИҚИШИ

ҳуқуқшунос, ходимнинг билими, тажрибаси ва қатъиятлигига кўп жиҳатдан боғлиқ

(Боши 1-бетда).

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, баъзи раҳбар ходимлар ва ҳатто ҳуқуқшуносларнинг меҳнат қонунчилигини пухта билмаслиги оқибатида бўш ўрин (штат)га ходим илтимос қилмаса ҳам у билан Меҳнат кодексининг 76-моддасига зид равишда муддатли меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилади. Бунга фуқаро Б.Ходжиев аризасида баён қилинган эътирозларни мисол тариқасида келтириш мумкин. У Тошкент вилоят руҳий-асаб касалликлари диспансерига шифокорликка қабул қилинган бўлиб, буйруқда меҳнат шартномасининг муддати кўрсатилмаган. Бундай хатти-ҳаракат Меҳнат кодексининг 82-моддасига зиддир. Бундан ташқари, бош шифокор Ф.Шонасирова Б.Ходжиев билан келишилмаган ҳолда ҳар йили 31 декабргача шартнома тузилганлиги тўғрисида «Меҳнат шартномаси» варақасига ўзгартириш киритган. Ана шундай «асос»га мувофиқ, ўтган йил 31 декабрида муассаса раҳбарияти шифокорни вазифасидан озод қилмоқчи бўлган ва амалдаги йилнинг 3 январида 2-сонли буйруққа кўра меҳнат шартномаси муддати тугаши муносабати билан у ишдан бўшатилган. Буни мазкур шифохона ҳуқуқшуноси Н.Козловская ҳам қўллаб-қувватлаб, қонун бузилишига йўл қўйган.

Ушбу ҳолатни мириданг-сиригача ўрганган қўмита вакили муассаса масъул ходимларига 2-сонли буйруқ Меҳнат кодекси 76-моддаси талабларига тўла амал қилинмаган ҳолда қабул қилинганлигини исботлаб берди. Натижада юқоридаги буйруқ бекор қилиниб, ходимнинг мажбурий бекор юрган вақти учун ўртача иш ҳақи миқдорида моддий зарар ундириб берилиши ва ўз вазифасига тикланишига эришилди.

Таъкидлаш жоиз, камчиликларни тан олиб, улардан тегишли хулоса чиқариб, қайта такрорламаслик ишни олға силжитадиган омилдир. Ана шу нуқтаи назардан меҳнат қонунчилигига оғишмай риоя этиш масалалари бўйича Бухоро, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва пойтахт соғлиқни сақлаш муассасаларида семинарлар ўтказилгани, амалий ёрдам кўрсатилгани айни муддао бўлди.

Тиббиёт тизимида ишлаётганларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, меҳнат ҳақлар ўз вақтида бериб борилишига эришиш ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича кенг кўламли ишларнинг амалга оширилгани тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Ана шундай ғамхўрлик ўз аксини топган жамоа шартномалари сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йили тиббиёт муассасалари 7,4 фоиз кўпайгани ҳолда жамоа шартномалари 2053 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич бурноғи йилга нисбатан 527 та кўп. Агар бу ҳолатга соҳалар бўйича ёндошадиган бўлсак, бандлик ва кадрларни қайта ўқитиш белгиланганидан — 48,8 фоиз, меҳнат муҳофазаси — 6,2, уй-жой-коммунал хизмат — 23,7, ижтимоий шерикчилик масалалари қарийб 2 фоиз яхшиланганининг шоҳиди бўламиз. Ёки жамоа шартномалари бўйича қабул қилинган мажбуриятлар бажарилишида 8,6 фоиз ўсиш кузатилди. Агар кейинги йилларда ишловчилар ижтимоий ҳимояси йўналишлар бўйича шарҳланадиган бўлса, тиббиёт ходимлари учун олти соатлик иш вақти жорий қилинди. Ишлаётган, икки ёшгача фарзанди бор оналар нафақасини узилишларсиз етказиб бериш учун маблағлар тўла ўтказилди. Республика Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги Фармонига асосан уй-жой-коммунал хизматлар учун имтиёздан фойдаланувчилар тоифалари тўла аниқланди. Ўтган йил 1 августидан ўрта ва кичик тиббиёт шифокорлари иш ҳақлари бир разрядга оширилди. Шунингдек, фуқаролар меҳнат ҳуқуқига оид мавзуларда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда семинарлар, ўқувлар ташкил қилинди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

— Тизимда меҳнат муҳофазаси бўйича ҳам сезиларли силжишлар рўй берди, - дейди қўмитанинг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Рустам Шокаримов. - Айниқса, бу борада Марказий қўмитага мурожаат қилганлар аризасига чуқур масъулият билан ёндошишга ҳаракат қилинди. Чунончи, тўрт нафар ходимнинг ишлаб чиқаришда касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик учун қонунларда белгиланган имтиёзларни тўлаш юзасидан қилган мурожаатлари қаноатлантирилди. Бешинчи ариза Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг тиббиёт-санитария қисми ҳамшираси Ҳурриятхон Ниёзовадан эди. У касб касаллиги оқибатида меҳнатга лаёқатини йўқотганлиги учун нафақани қайта кўриб чиқишни сўраганди. Текширишдан сўнг Ҳ.Ниёзова важлари асосли бўлиб чиқди ва унга аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир марта тўланадиган нафақа пули — 18.562 сўм ундириб берилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилнинг таркибий қисми бўлмиш кучли ижтимоий ҳимояни амалга оширишни ўзининг бош мақсади, деб билмоқда.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚЎШМА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Шаҳрисабз "Дон - халқ ризқи" ҳиссадорлик жамияти қошида Туркиянинг "Туркистон ЛТД ШТИ" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Шаҳри Кеш" қўшма корхонаси иш бошлади.

Бир кунда 150 тонна буғдойни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган ушбу корхона Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи туманларини ун маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлайди. Европа технологияси асосида Туркияда тайёрланган икки ярим миллион долларлик қийматга эга бўлган компьютерлаштирилган тегирмон цехи тайёрлаган ун маҳсулотларининг сифатлилик даражаси халқаро талабларга жавоб бера олади.

Қўшма корхона ишга тушиши билан 75 нафар иш ўринлари очилди. Корхонани кенгайтириш мақсадида Россия корхоналари билан ҳамкорликда макарон, қандолат, маъданли сув тайёрлайдиган цехлар ташкил этиш режалаштириляпти. Тегирмон цехининг қошида омухта ем тайёрлаш цехи ишга тушиш арафасида. Айни вақтда қўшма корхона 415 тонна сифатли, юқори навли ун маҳсулоти савдога чиқаришга тайёрланди.

"Туркистон-пресс".

Ангрен шаҳридаги Робинисо Маюсупова раҳбар бўлган «Рано» хусусий фирмасида 10 нафар чевар меҳнат қилади. Улар томонидан тайёрланаётган кийим-кечаклар ўзининг бежиримлиги, чиройлилиги, аъло сифати билан ажралиб туради. Шаҳарда фирма маҳсулотларига талаб кундан-кунга ортиб бораётир.

Суратларда: илғор тикувчи Марҳабо Норалиева; маҳсулот сифати кўздан кечириляпти.

Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар.

Долзарб мавзу

Солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур. Шунингдек, корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириш лозим. Бу ҳақда Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 14 февралдаги мажлисида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганди.

СОЛИҚЛАР

асосли, барқарор ва мослашувчан бўлсин

Солиқлар давлат иқтисоди ва ривожининг таянчи. Мустақиллик йилларида мазкур тизим таркиби ва иш йўналиши қайта кўриб чиқилиб, фуқароларнинг манфаатлари ҳимояланган тарзда шаклланди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ органлари тўғрисида»ги 217-сонли Қароридан сўнг, «Солиқ инспектори», «Солиқ тўловчи» деган тушунчалар истеъмолимизда ўз ўрнини топди. Эндиликда амалдаги қонунларда белгиланганидек, ҳар икки томоннинг манфаатлари учун имкониятлар яратилган.

Шу ўринда солиқчи ва солиқ тўловчи ҳамкорликда солиқ маданиятини шакллантиришга қўшаётган ҳиссаси қандайлигини Хоразм вилояти мисолида келтирмоқчимиз.

Солиқ тўлаш маданиятининг аҳоли ўртасида кенг шаклланишидаги омиллар нималардан иборат, деган савол туғилиши табиий. Агар эътибор берилса, кейинги йилларда соҳа мутахассислари саъй-ҳаракати билан белгиланган режалар ўз вақтида бажарилмоқда. Бунинг асосий сабаби, аввало ҳукумат Қароридан келиб чиқиб, кичик ва ўрта бизнеснинг кенг ривожланишига шароитлар яратилаётганлиги бўлса, иккинчидан, солиқчи ва солиқ тўловчи ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг шаклланганидир.

Масалан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ҳар қандай киши солиқ тизими мутасаддиларига келиб учрашгач, амалдаги қонун-қоидаларни пухта ўрганиш учун «Маслаҳат маркази»да бўлишади. Шунингдек, солиқ тизимининг пайдо бўлиши тарихига оид музей экспонатлари билан танишадилар.

Равшанки, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлар амалдаги қонунларга кўра икки йил давомида мол-мулк солиғидан озод этилиши қатъий назоратга олиниб, унинг ижроси тўла таъминланмоқда. Агар тадбиркор, кичик ва ўрта бизнес субъекти халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарса, бундай ҳолда даромад солиғидан икки йил озод этилиши кўзда тутилган.

Энг муҳими, кейинги пайтда тадбиркорнинг вақтини тежаш ва ҳудабеҳуда уни овора қилмаслик учун соддалаштирилган ягона солиқ тўлаш тизими шакллантирилди.

Жойларда тадбиркорларга хизмат кўрсатиш пунктларининг жорий этилганлиги ҳам солиқчи ва солиқ тўловчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига, солиқ тўловлари муддатида тўланишига имкон яратмоқда.

Шу боис ҳам эндиликда кичик ва ўрта бизнес фаолияти билан шуғулланувчилар сони кун сайин ортмоқда. Айтайлик, 2000 йилда улар 700 тадан ортиқроқни ташкил этган бўлса, ўтган йил якунида эса 990та ёки бу кўрсаткич 290 тага кўпайди.

Солиқчи ва солиқ тўловчи ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш омилларидан яна бири — вақти-вақти билан жойларда «Солиқ инспектори», «Солиқ тўловчи — ўз фаолиятидан мамнунми?», «Солиқни ундиришдаги муаммолар» мавзуида семинар-кенгашларнинг ўтказилаётганидир. Ёки вилоятда яна бир ташаббуснинг оммалашаётганлигига алоҳида тўхталиш жоиз. Бу — солиқчи ва тадбиркор ўртасида «Энг яхши солиқчи», «Энг яхши тадбиркор» кўрик-танловларининг йўлга қўйилганлигидир. У ҳар чоракда ва йил якунига қараб ўтказилади. Мисол учун, ўтган йил якуни бўйича солиқ тизимидан тўрт нафар киши, тадбиркорлардан 6 нафар киши танлов якунига кўра қимматбаҳо совғалар — гилам, рангли телевизор билан тақдирланди.

Бироқ бу ерда ҳам солиқ тизими режаларининг бажарилишига ёки солиқ ундиришга салбий таъсир этувчи сабаблар йўқ эмас. Айтайлик, даромадни солиқдан яшириш, яширин цехлар барпо этиб, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш, акциз маркаси бўлмаган маҳсулотларни сотиш кабилар шулар жумласидандир. Тизим мутасаддиларининг ўз вақтида олиб бораётган тезкор тадбирлари ана шундай «учар тадбиркор»лар фаолиятига чек қўймоқда.

Исмат ҚЎЗИЕВ,
Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.
Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

Тошкентда Японнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда мамлакатимиздаги айрим илм ва тиббиёт муассасалари ўртасида мазкур давлат ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури доирасида ажратилган грант-шартномаларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Умумий қиймати 636 минг АҚШ долларидан ошувчи мазкур шартномалар Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги мактаб ва шифохоналар учун ажратилган. Улар Япония ҳукуматининг ёрдами билан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланади.

Маросим иштирокчилари Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги барча жабҳаларда, хусусан, иқтисодий-сиёсий, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда самарали ривожланиб бораётганини қайд этди.

(ЎзА).

Қарор ва ижро

ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР, ПЕНСИОНЕРЛАР

мустаҳкам ижтимоий ҳимояда

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида»ги карорлари фуқароларнинг моддий фаровонлигини ошириш, кекса авлод манфаатларини ҳимоя қилишдек инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарёда ҳам кекса фуқароларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофазалаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга эътибор оширилаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат Дастури тўғрисида»ги қарори асосида кексаларни қадрлаш ва эъзозлашга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

— Бозор муносабатлари шаклланиб бораётган даврда аҳолининг кам таъминланган қатламларини кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати устувор йўналиш ҳисобланади, - дейди биз билан суҳбатда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи М.Азимов. - Воҳада ёлғиз қариялар, ногиронлар ва кам даромадли оилаларга ёрдам кўрсатишнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган.

Соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бошқармалари, фуқаролар йиғинлари ва маҳалла қўмиталари, «Наврўз», «Нуроний» жамғармалари, Қизил Ярим Ой жамияти барча ишларни ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётганлиги ижобий самара бермоқда.

Бир йиллик пенсия миқдори 20 миллиард 501 минг сўмга тўғри келади. Қарияларни қадрлаш дастурида кўзда тутилган имтиёзлар асосида 30 мингга яқин пенсионернинг нафақаси оширилади.

Кексаларнинг турмуш тарзи, уй-жой, маданий-маиший аҳволини яхшилашга кенг жамоатчиликнинг ёрдами яққол сезилаяпти. Ҳомий ташкилотлар томонидан ана шу мақсадларга 78 миллион 204 минг сўмлик маблағ сарфланди. Бу борада Китоб туманининг олийҳиммат кишилари ҳақида илиқ фикрларни айтиш мумкин. Саноат корхоналари ва жамоа-ширкат хўжаликларининг ташаббуси билан 1,5 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, 19 та ногиронлар аравачаси олиб берилди. А.Ваҳобов раислик қилаётган Каромат Рустамова номли ширкат хўжалиги 525 минг, Б.Ҳусайнов раис бўлган Раззоқ Шайманов номли хўжалик 225 минг сўм ажратди. «Қишлиқ», Шодмон Умаров, Алишер Навоий, Мирза Улуғбек номли ширкат хўжаликлари, дон ва нефт маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятлари ҳам ўз ҳимматларини дариғ тутмадилар.

Ижтимоий таъминот тизимидаги 797 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексага озиқ-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари олиб бериш учун 29 миллион 896 минг сўм харажат қилинди. Президентимиз Фармонига мувофиқ ёлғиз қариялар коммунал-маиший хизмат, ичимлик суви, газ, электр энергия тўловлари, ер ва мол-мулк солиқларидан озод қилинди. Давлат бюджетидан бундай олижаноб мақсадларга 90 миллион сўм ажратилди. Ҳозирги пайтда уларга бепул тиббий хизмат кўрсатилаяпти, дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланган.

Ҳаёт ўз йўлида давом этади. Аслида инсоннинг яхшиликлари, хайрли ишлари бир умр унутилмайди. Муборак нефт ва газ конларидан фойдаланиш бошқармаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви олинган фойданинг бир қисмини муҳтож пенсионер ва ногиронларнинг аҳволини яхшилашга сарф қилмоқдалар.

Тизимда 177 нафар ходим ёлғиз кекса ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатаяпти, уларнинг уй-рўзғор ишлари, бозор ва озиқ-овқат таъминоти, парвариши билан шуғулланаяпти.

Кўпчилик ногирон ва пенсионерлар сиҳатгоҳ йўлланмалари, махсус аравачалар, қўлтиқтаёқ, ҳасса, тиш протезлари, эшитиш мосламаларига эга бўлдилар. Жумладан, 260 нафар кишига ногиронлик аравачаси, 251 нафарига эшитиш мосламаси, 494 кишига қўлтиқтаёқ ва бошқа воситалар берилди. Яккаёлғизлардан 124 нафарининг уй-жойлари давлат ҳисобидан таъмирланди.

Қарши шаҳридаги 300 ўринли болалар «Мурувват», Яккабоғдаги қариялар «Саховат» уйлари, Шаҳрисабздаги ақли заиф хотин-қизлар шифо масканларида даволаш профилактика ишлари яхши йўлга қўйилган. Қаршида 50 ўринли ногиронларни реабилитация қилиш маркази ишлаб турибди. Янги дастурга мувофиқ Касбида туманлараро қариялар сиҳатгоҳи очилади.

Қашқадарё узоқ умр кўраётган отахону онахонлар юрти. Вилоятда 100 ва ундан ошган 349 нафар киши умргузаронлик қилмоқда. Шаҳрисабзлик 106 ёшли Турдиой момо Расулова, 103 ёшли Бўстон момо Туропова, 102 ёшли Қумри момо Ҳамидова, Хурамой момо Йўлдошева кабилар ана шундай табаррук инсонлардан.

Кенгфеъллик, саховатпешалик, меҳр-шафқат халқимизнинг азалий хислати. Шаҳрисабз, Қамаши, Нишон, Касби туманлари ижтимоий таъминот бўлимлари ходимлари ўзларига биркитилган вазифани виждонан адо этиб, халққа намунали хизмат кўрсатиб, кекса авлод дуосини оляптилар.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бор бўл, оқибат!

— Ўтган йили 1600 нафар ногиронга қарийб 1,5 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилиб, 156 минг сўмлик дори-дармонлар олиб берилди. Икки киши санаторийда бепул дам олдирилди.

НОГИРОН БОЛАЛАР УЙДА ЎҚИТИЛМОҚДА

— 15 нафар ходимимиз улар ҳолидан доимо хабар олиб туришади, — дейди Балиқчи туман ногиронлар жамияти раиси Адҳамжон Абдужабборов. — Айни пайтда улар ўтказилаётган ҳар бир хайрли тадбирдан четда қолаётгани йўқ. Чунончи, республика «Ўзавтосаноат» уюшмасининг саъй-ҳаракати ва ҳомийлиги туфайли 37 нафар ногироннинг аравачага бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Бундан ташқари, жамият қошидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси, косиблар ногиронларга имтиёзли нархда хизмат кўрсатишидан кўпчилик миннатдор. Ўтган йили сотиб олинган «Дамас» автоулови ногиронларни манзилга бепул етказиб қўяётир.

Жойлардаги бошланғич ташкилотлар хўжаликларда такрорий экин экиб, жамият аъзоларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашяпти.

Энг муҳими, ногирон болалар жамиятнинг диққат марказида. Халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда уларни уйда ўқитиш жорий этилганлигидан болажонлар қаторида ота-оналарнинг ҳам қувончлари чексиз.

— Ҳомийларимиздан умидимиз катта. Аммо ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ, — дея қўшимча қилди раис. — Айни пайтда туман ҳокимлиги ҳам бизни қўллаб-қувватлаб турибди. Чунончи, уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли корхона ва ташкилотлар 2 млн. сўм пул ажратишди.

Ўрни келганда бир нарсага ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Дастурда белгиланган талабларнинг тўла рўёбга чиқишида айрим муаммолар ҳам бор. Масалан, жамият ҳанузгача ўз биносига эга эмас. Агар ана шу муаммо тезроқ ҳал этилса, янада самаралироқ ишлашга, турли тадбирлар ўтказишга имкон туғиларди.

Қ.ШОКИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

TV дастури

26-февраль 3-март

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

СЕШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Санъат ошиёни».
9.15 , 11.45 ТВ -метео.
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Олам футболи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.25 «Замонавий аёл». Бадиий фильм.
11.50 Биржа ва банк хабарлари.
12.05 «Спорт, спорт, спорт».
12.20 «Париси бор уй».
12.50 «Мусиқа: кеча ва бугун».
13.15 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 70-қисм.
13.40 «Қишлоқ ҳаёти».
14.10 Кундузги сеанс: «Зирапча». Бадиий фильм.
15.40 Ўзбекистон халқ артистлари.
16.05 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Болалар учун. «Жажжи гўзал».
18.25 «Баркамол авлод орзуси».
18.45 «Инсон ва қонун».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25 , 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Аср муаммоси». 1-қисм.
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.45 «Сарҳад билмас дўстлик».
22.05 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.35 «Келин-куёв». Телешоу.
23.45 «Ахборот - дайжест».
00.05 «Дон - Кихот болалари». Бадиий фильм.
1.20-1.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси: Билағон маслаҳати.
9.45 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 28-қисм.
10.10 Бизнес-академия.
10.25 «Эсмералда». Телесериал.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 Саломатлик сирлари.
11.20 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Интерфутбол.
14.10 Кинотақдим.
14.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.15 «Сени севдим». Бадиий фильм 1-қисм.
16.40 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.00 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 29-қисм.
17.25 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.40 Ватан манзаралари.
18.00 Минг бир маслаҳат.
18.20 Автопатрул.
18.40 Сифат белгиси.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 «Азиз она юртим наволари». Миллий эстрада қўшиқлари I-республика танлови қатнашчилари ва ғолиблари концерти.
20.55, 21.25, 22.30 Эълонлар.
21.00 «Эсмералда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.00 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50-23.55 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. «Жуманжи». Мультфильм. 4-қисм.
18.30, 20.00, 21.20, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап-тортмаслар». Ҳужжатли фильм. 22-қисм.
19.35, 21.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Интерспорт».
20.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.35 «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.25 Кинонигоҳ. «Йўқолган ёрлиқ».
23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 «Икки рояль».
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Йил қушиқлари». 1-қисм.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 XIX қишки Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши.
23.25 Кинематограф. Пьер Ришар «Билмасам ҳам айтаман» фильмида.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мафтункор кабутарлар».
9.10, 10.25 ТВ -метео.
9.15 «Санъатга бахшида умр».
9.40 «Аср муаммоси». 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.30 «Шайтонвачча». Бадиий фильм.
11.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.05 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.35 «Тафсилот».
12.55 «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобақа.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 Кундузги сеанс: «Ўрдаккўл воқеаси». Бадиий фильм.
15.35 «Баркамол авлод орзуси».
15.55 «Инсон ва қонун».
16.15 «Ягона оилада».
16.45 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
17.05 Кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
17.35 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.10 «Аёл дунёни тебратар».
18.25 «Ютуқли омонат». Телеўйин.
18.55 «Бир жуфт қўшиқ».
19.05 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Тиббиёт одимлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Аср муаммоси». 2-қисм.
21.30 «Спорт, спорт, спорт».
21.45 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
22.05 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.35 «ТВ -клуб».
23.00 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
24.00 «Ахборот -дайжест».
00.20 - 00.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 29-қисм.
10.00 Давр-интервью.
10.15 «Эсмералда». Телесериал.
10.40 Солиқ ҳақида сабоқлар.
10.55 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
11.45 Ёшлар овози.
12.05 Болалалар экрани. «Қойилмақом иш».
13.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.

13.50 Ватан манзаралари.
14.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
14.55 Автопатрул.
15.15 «Сени севдим». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Шум болалар.
17.15 Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал 30-қисм.
17.40 Одил сўз.
17.55 Мени тушун». Телеўйин.
18.20 «Далил ва шарҳ».
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ракурс.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Қарияларни қадрлаш йили. «Қадрият».
20.25 Очил дастурхон.
20.40 Муҳаббат қушиқлари.
20.55, 21.25 22.30 Эълонлар.
21.00 «Эсмералда». Телесериал.
21.30 Олтин мерос.
21.40 Чемпион сирлари.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. «Жуманжи». Мультфильм. 5-қисм.
18.30, 20.00, 21.20, 22.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап-тортмаслар». Ҳужжатли фильм. 23-қисм.
19.35, 21.05, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Дурдона».
20.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.35 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
22.30 «Камолот фасли».
23.15 Кинонигоҳ. «Иван Купала байрами арафасида».
00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.25 «Аншлаг».
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 «Рус экстрими».
18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Йил қушиқлари». 2-қисм.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «CNN шоу».
22.35 Кинематограф. «Оноре де Бальзак». Бадиий фильм. 1-серия.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Миздакхон».
9.05, 11.35 ТВ метео.
9.10 «ТВ -клуб».
9.35 «Аёл дунёни тебратар».
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Ямбуй ажинаси». Бадиий фильм.
11.40 «Мулк».
12.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
12.25 «Аср муаммоси». 2-қисм.
Спорт дастури:
12.45 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.15 «Спорт, спорт, спорт».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Сарҳад билмас дўстлик».
14.30, 16.10 ТВ анонс.
14.35 Кундузги сеанс: «Оилавий ҳаётдан лавҳалар». Бадиий фильм.
15.50 «Оламни асранг».
16.15 М. Исмоил. «Ой чиқмаган оқшом». Видеофильм. 1-қисм.
17.00 Кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
17.30 ТВ клип.
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Изтироб». Ҳужжатли фильм. 1-қисм.
21.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги. «Турон юлдузлари» ансамблининг концерти.
22.00 «Бугуннинг гапи».
22.20 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 71-қисм.
22.45 «Руҳият манзаралари».
23.25 «Ахборот- дайжест».
23.45 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Шум болалар.
9.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 30-қисм.
10.05 Тафаккур ёлқинлари.
10.20 «Эсмералда». Телесериал.
10.45 Спорт қитъаси.
11.15 Сенинг вақтинг.
11.35 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
12.25 Ракурс.
12.45 «Умид юлдузлари фестивали». Мусиқий дастур.
13.50 Интерфутбол.
15.30 Сифат белгиси.
15.35 «Мени тушун». Телеўйин.
16.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.45 Муқаддас бурч.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
17.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 31-қисм.
18.00 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
18.20 Оқшом наволари.
18.30 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 Тв-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Мезон.
20.15 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
20.25 Бегойим.
20.55, 21.25, 22.30 Эълонлар.
21.00 «Эсмералда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. «Жуманжи». Мультфильм. 6-қисм.
18.30, 20.00, 21.20, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап-тортмаслар». Ҳужжатли фильм. 24-қисм.
19.35, 21.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».



20.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.35 «Эътиқод».
22.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.45 Кинонигоҳ. «Нозик нихол маликам». 1, 2-сериялар.
1.30-1.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 CFI тақдим этади: «Халқаро цирк фестивали».
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий журнал.
18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Йил қушиқлари». 3-қисм.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «Соккер клуб».
22.40 Кинематограф. «Оноре де Бальзак». Бадиий фильм. 2-серия.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Дўппи», «Пирим ороли».
9.15, 10.25 ТВ метео.
9.20 «Олтин мерос».
9.40 «Бугуннинг гапи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
10.30 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
11.55, 12.25, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Қашқадарё вилояти.
12.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
12.50 «Озод юрт одамлари».
13.10 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 71-қисм.
13.35 «Ёшлик шиддати». Спорт дастури.
14.10 Кундузги сеанс: «Малласоч хоним». Бадиий фильм.
15.25 «Китоб жавонингизга».
15.45 «Нафосат гулшани».
16.05 «Инсон ва қонун».
16.25 М. Исмоил. «Ой чиқмаган оқшом». Видеофильм. 2-қисм.
17.10 ТВ клип.
17.20 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
17.40 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Изтироб». Ҳужжатли фильм. 2-қисм.
21.30 «Спорт, спорт, спорт».
21.45 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
22.10 Ўзбекистон» каналида илк маротаба. «Ошин». Телесериал премьераси.
22.40 «Олтин бешик».
23.10 «Олам». Телеальманах».
23.40 «Ахборот - дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
9.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 31-қисм.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 «Эсмералда». Телесериал.
10.45 Бегойим.
11.15 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
12.05 Мусиқий лаҳзалар.
12.15 Ёшлар овози.
12.35 Интерфутбол.
14.15 Минг бир маслаҳат.
14.35 «Бувам, Килиан ва мен». Бадиий фильм.
15.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.25 «Ватан равнақи йўлида». Видеофильм.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит», «Ҳамма нарсани билишни истайман».
17.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 32 қисм.
17.40 Ёшлар ва маънавият.
17.55 Автосалтанат.
18.10 Оқшом наволари.
18.20 Ёшлар овози.
18.40 Ассалом, баҳор.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ҳуқуқ ва бурч.
20.00 Ҳозирги замон ўзбек шеъриятидан. Омон Матжон.
20.05 Жар ёқасида.
20.20 Ёшлик қўшиқлари.
20.35 Аср қиёфаси.
20.55, 21.25, 22.30 Эълонлар.
21.00 «Эсмералда». Телесериал.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.00 «Давр». Ахборот дастури.
00.15 «Икки минг йилдан сўнг». Телесериал.
00.35-00.40 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болалар учун. «Қуралай».
18.20 Мультфильм.
18.30, 20.00, 21.20, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап-тортмаслар». Ҳужжатли фильм. 25-қисм.
19.35, 21.05, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Саломатлик маскани».
20.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.35 «Бахт тилаймиз».
22.30 Кинонигоҳ. «Сўнгги романс». 1-2-сериялар.
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 CFI тақдим этади: «Халқаро цирк фестивали».
18.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.30 «Дурдаршан».
18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «Менинг шаҳрим».
22.40 Кинонинг олтин аери: «Оз» мамлакатининг сеҳргари». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 ТВ метео.
9.15 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
9.35 «Тафсилот».
9.50 «Фантадром». Мультфильм.
10.20 «Олтин бешик».
10.50 «Спорт, спорт, спорт».
11.05, 11.50, 13.50 ТВ анонс.
11.10 «Маърифат». Телеальманах.
11.30 «Бахтимизга омон бўлинг».
11.55 ТВ-театр. «Алдагани хотин яхши». Спектакль.
13.25 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
13.55 «Цирк, цирк, цирк».
14.20 Телевизион миниатюралар театри.
14.55 ТВ кинотеатри: «Нодир шахс». Бадиий фильм.
16.15 «Ягона оилада».
16.45 ТВ клип.
16.55 Болалар учун. «Саргузаштлар асири». Видеофильм. 5-қисм.
17.20 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
18.10 «Рангин дунё».
18.30 Болалар учун. «Фламинго».
18.55 «Пазандалик сирлари».
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соғлом она- соғлом бола».
21.25 «Шанба оқшомида».
22.00 Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
22.30 «Ахборот - дайжест».
«Тунги ёғду» дам олиш кинодастури.
22.50 «Ўзбекистон» каналида биринчи марта «Тати Даниэл». Бадиий фильм.
00.35 - 00.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит», «Ҳамма нарсани билишни истайман».
9.25 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 32 қисм.
9.50 Табобат оламида.
10.10 Ёшлар овози.
10.30 «Эсмералда». Телесериал.
10.55 Аср қиёфаси.
11.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.15 «Тошкент». Манзарали фильм.
12.25 Бола тилидан.
12.55 «Полиция комиссари». Телесериал.
13.45 Кутилмаган мехмон.
14.05 «Азиз она юртим наволари». Миллий эстрада қўшиқлари I-республика танлови қатнашчилари ва ғолиблари концерти.
15.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.45 Синфдош.
16.10 «Рамаяна». Телесериал.
16,45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.10 «Мульттомоша».
17.40 Ёшлар овози.
18.00 Футбол плюс.
18.20 Оқшом наволари.
18.35 Бизнес-академия.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 «Давр»-интервью.
20.00 Ҳайрат.
20.20 «Юлдузлар чеҳраси».
20.50, 21.45, 22.30 Эълонлар.
20.55 «Полиция комиссари». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Қочоқ». Бадиий фильм.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Мультчархпалак.
17.40 Болажонлар экрани. «Лесси».
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт шарҳи».
20.20, 21.20, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
20.35 «Жаҳон географияси».

21.35 «Мисли гавҳар».
21.50 «Ташриф».
22.25 Кинонигоҳ. «Зита ва Гита». 1, 2-сериялар.
00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Дурдаршан».
9.30 «Соккер клуб».
9.50 «Мульттомоша».
10.10 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
10.50 «Лаззат».
11.05 «CFI янгиликлари».
11.15 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.
11.40 «Экран зийнати ва қиймати».
12.05 «6х9». Шоу дастур.
12.50 Дўстлик видеоканали: «Сахий хонадонда», «Немис шарҳи». «Бизнен мирас».
13.50-14.20 «Немис тили».
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Бинафша».
16.20 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».
16.45 В. Леонтьев, Л. Долина, Ф. Киркоров М. Таничнинг юбилей концертида.
18.00 «Британия кундалиги».
18.15 М. Таничнинг юбилей концерти (давоми)
19.20 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».
21.30 «Мюзик холл».
21.55 «Кинопрофи».
22.15 Кинематограф. «Сноубординг академияси». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 ТВ метео.
9.15 «Гаройибот».
9.30 «Кўҳна замин оҳанглари».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.00 «Йил мактаби». Республика кўрик танлови.
12.25 ТВ клип.
12.35 «Пазандалик сирлари».
12.45 «Мўъжизалар майдончаси».
13.35 ТВ анонс.
13.40 ТВ-1 кинотеатри: «Хотира саодати». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.50 «Болаликнинг мовий осмони».
15.10 «Хотира саодати». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.15 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.35 Болалар учун. «Саргузаштлар асири», Видеофильм. 6-қисм.
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.
17.35 «Талабалик йилларим».
17.55 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 Муайтай бўйича Ўзбекистон чемпионати.
18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».
21.45 «Иннан кейин». Дам олиш дастури.
Якшанба кинозали:
22.20 «Менинг сўнгги тангоим». Бадиий фильм.
23.55-00.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
9.20 Мультфильм.
9.35 Футбол плюс.
9.55 «Давр»-интервью.
10.10 Ёшлар овози.
10.30 «Заковат» интеллектуал ўйини.
11.25 Аскар мактублари.
11.45 Чемпион сирлари.
12.05 Очил дастурхон.
12.20 «Наврўз оҳанглари». Мусиқий дастур.
12.40 «Полиция комиссари». Телесериал.
13.30 Ҳандалак.
13.55 Интерфутбол.
15.35 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.55 Спорт ҳафтаномаси.
16.10 «Рамаяна». Телесериал.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у? Ким чаққон?»
17.15 Оқшом наволари.
17.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастур.
18.15 Якшанбада кўришгунча.
18.30 Очун.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов куйлайди.
19.40 Оила тилсими.
20.05, 21.00, 22.30 Эълонлар.
20.10 «Полиция комиссари». Телесериал.
21.05 «Онажоним». Мусиқий дастур.
21.20 «Зинама-зина».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Қочоқ-2». Бадиий фильм.
00.30-00.35 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.00 «Спорт-тайм».
19.20 «Телефакт».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00, 20.45, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
20.15 «ТВ плюс».
21.00 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
22.15 «Радиус 21».
22.35 Кинонигоҳ. «Катта пойгалар».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кайфият». Дам олиш дастури.
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.05 Болалар соати: «Оққуш малика». Бадиий фильм.
12.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
12.45 «7дан 70гача».
13.20 «Парле ву франсэ?»
13.45 -14.45 «Дўстлик» видеоканали: «Айчурек», «Дидар».
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Мультсеанс».
17.55 «До-ми-соль шоу». Болалар учун дастур.
18.35 Л. Куравлёв «Хурсандчиликда яшанг» комедиясида.
20.00 Роман Карцев бенефиси.
21.00 «Етти кун». Ҳафта якунлари.
21.25 «Тенгдошлар».
21.55 «Ўзимиз ҳақимизда ўзимиз».
22.10 Кинематограф. «Юлдуз талаб қилинади». Бадиий фильм.
23.35 «Таҳлилнома».
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЮЛДУЗЛАРДАН РАНГ ОЛГАН ШАҲАР

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига

Оксоч Хисор тоғларининг маҳобатли чўққиларидаги қорлар эрий бошлади. Кашқадарёнинг тўнғич ирмоғи Оқсув тўлиб оқмоқда. Шаҳарнинг бош майдонида ўрнатилган жаҳонгир бобомиз Амир Темур ҳазратларининг ҳайкали пойида ранго-ранг гуллар.

Шарқнинг гўзал шаҳарларидан бири Шаҳрисабзнинг ёши ҳақида ҳар хил тахминлар бор эди. Олиб борилган археологик тадқиқотлар Кеш тарихига аниқлик киритди. Зарафшон тизмасидаги Шўробсой бўйида Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликлари топилди. Бу манзилгоҳлар милоддан аввалги X-IX асрларда ҳам мавжуд эканлиги аниқланди.

Қадимги Кеш қарийб 30 километр кенгликда бўлиб, шаҳарнинг илк маъмурий маркази ҳозирги Китоб туманининг Раззоқ Шайманов номли хўжалиги ҳудудида жойлашган. Бу шаҳар милоддан илгариги VIII-VII асрларда 3 гектар майдонни эгаллаган. Кейинчалик 70 гектаргача кенгайган кўҳна Кешнинг қадимий ўрни — Узунқир қалъаси вилоят маркази ҳисобланган. Сангиртепанинг ўрни эса шаҳар ҳокимининг саройи бўлиб, мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

Ўтказилган археологик тадқиқотлар, қадимги замон ва ўрта асрлар тарихчиларининг ёзиб қолдирган маълумотлари шаҳар 2700 ёшда эканлигини исботлади. 2000 йилнинг декабрида ЮНЕСКО котибияти қарори билан Шаҳрисабз Бутунжаҳон ёдгорлик шаҳарлари рўйхатига киритилди.

2001 йилнинг охирида юртимизга Франция пойтахти Париждан хушхабар келди. БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини эътироф этиб, унинг юбилейини жаҳон миқёсида ўтказишга қарор қилди.

Шаҳрисабз мозийнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий жараёнларини бошидан кечирган, аёвсиз жангу-жадалларнинг гувоҳидир. Табаррук замин милоддан аввалги VI асрнинг ўрталарида Эрон аҳамонийлари томонидан босиб олинди. Милоддан аввалги 329-327 йилларда македониялик Искандар қўшинлари бостириб кириб, шаҳарни вайрон қилди. Маҳаллий аҳоли эса тоғларга яширинишга мажбур бўлди. II асрнинг ўрталарида Хитойдан суриб чиқарилган юечжи қабилалари Шаҳрисабзни босиб, Амударё бўйларида қудратли Кушонлар салтанатига асос солдилар.

Кеш тарихнинг кейинги Сўғд, Эфталит, турк ҳоқонлиги ва араб босқини даврларида Муқанна қўзғалони, тоҳирийлар, сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар даврида ҳам ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг марказларидан бирига айланди. Бироқ XIII асрнинг бошларидаги мўғул истилоси шаҳарнинг маданий, иқтисодий, хўжалик ҳаётига катта зиён етказди. Метин иродали ва жасоратли Кеш аҳолиси ўз шаҳрининг довруғини сақлаб қолиш учун бир неча бор жангга кирди.

Шаҳрисабз Амир Темурдек улуғ зотни камолга етказгани учун ҳам мўътабар ва мукаррамдир. Буюк жаҳонгир она шаҳрига алоҳида меҳр ва эҳтиром билан боғланган. Чунки шу қутлуғ заминда унинг сиёсий фаолияти бошланган, отаси ва туғишганларининг табаррук ҳоклари шу ерда. Соҳибқирон ҳар гал олис сафарлардан қайтганида энг аввало ота-онаси, пири ва қариндош-уруғларининг қабрларини зиёрат қилиб ўтар эди.

Амир Темурнинг Ватанни мўғул босқинчиларидан озод этувчи даҳо, халоскор сифатида тарих саҳнасига чиқиши ҳам Қашқадарё заминидан бошлангандир. Кеш ёш саркардага Турон юртини ёвдан озод этиб, уни қудратли ва кучли давлатга айлантиришдек муқаддас ишнинг пиллапояси бўлди.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Кешнинг буюк фарзанди Мовароуннаҳрнинг сиёсий тарихи саҳнасига кириб келди. Унинг раҳбарлигида шаҳар ҳудуди кенгайди, деворлар, машҳур меъморчилик иншоотлари бунёд этилди. Қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланди. Бундай хайрли ишлар унинг авлодлари томонидан давом эттирилди. XVI-XIX асрларда Шаҳрисабз воҳанинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий марказларидан бирига айланди.

Дарҳақиқат, 1906 йилда Китоб яқинидан топилган грек-бақтрия тангаларининг катта хазинаси ва бошқа осори-атиқалар узоқ мозийдан дарак беради. Арслонтепа, Чоштепа ва Саритепа харобаларида кўчалар, кенг ва чуқур хандаклар, мудофаа деворларининг излари сақланиб қолган.

Буюк соҳибқирон Шаҳрисабзни салтанатининг илк пойтахти қилиб танлаган эди. Бу даврда бобокалонимиз волидалари Тегинабегим Моҳ шарафига барпо этилган Оқсарой беқиёс гўзаллиги билан ажралиб туради.

Оқсарой XIV-XV асрларга оид ёдгорликлар орасида энг йирик ва нодир обида ҳисобланади. Иншоот 24 йил давомида тикланган бўлиб, бу қурилишда бир йўла 50 минггача ҳунармандуста ишлаган. Ўз даврида баландлиги 70 метрли меъморий мажмуанинг ҳозирга қадар сақланган қолдиғи 38 метрни ташкил этади.





Саройга кириш пештоқининг 2 та катта устуни сирланган мозаика ва бетакрор ўймакор нақшлар билан безатилган ҳамда кўзни оладиган 7 хилдаги тиллойи ранглар берилган. Саройни меъморий безаш вақтида нақшинкор усуллар билан диний-фалсафий матнлар битилган. Ғарбий устуннинг олд томонида «Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ!» деган машҳур хитобнома ёзиб қўйилган.

Шаҳардаги яна бир обида Дорултиловат деб аталади. XIV-XV асрларда барпо этилган бу ёдгорлик Кўк Гумбаз масжиди, Шамсиддин Кулол ва Гумбази Саидон мақбараларини ўз ичига олади.

Шайх Шамсиддин Кулол Амир Темурнинг пири ва устозидир. Буюк мударрис Шаҳрисабздаги Жомеъ масжидига дафн этилгач, Соҳибқироннинг фармойишига мувофиқ шайхнинг мозори ёнида гумбазли мақбара қурилган.

Амир Темурнинг отаси Тарағай Баҳодирнинг «Пиримнинг яқинига дафн этинглар» деган васиятига кўра унинг жасади пирнинг оёқ томонига қўйилади.

(Давоми бор).

РЕСПУБЛИКА ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Мамлакатимиздаги академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ҳар томонлама қулайликлар яратиб берилмоқда. Республикамиз пойтахтида болалар таомлари комбинатининг очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Янги турдаги билим даргоҳлари ўқувчиларини сифатли овқатлантириш мақсадида амалга оширилган мазкур хайрли иш ҳомийлари ҳам кўпайиб қолди.

Ушбу комбинатнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ҳам ўз ҳиссасини қўшди. «Хонзе Машинен» немис компанияси томонидан ажратилган ошхона жиҳозлари ва буюмларидан иборат катта совға элчихона орқали пойтахтимизга юборилди.

«Курт Румпрехт» немис компанияси эса болалар велосипедлари ҳамда компьютер қурилмалари мажмуасини ҳадя этди. Бу каби хайрия тадбирлари «Соғлом авлод учун» дастури доирасида амалга оширилди.

КЎПҚИРРАЛИ ФАОЛИЯТ

«Ёшлар дунёни ўзгартиради» деб номланган ижодий устахона студияси ўз фаолиятини кенг кўламда ташкил этмоқда. Умумжаҳон болалар жамғармаси, Очиқ жамият — Ўзбекистонга кўмак жамғармаси саъй-ҳаракати билан очилган бу ижодий марказ ҳужжатли фильмлар яратиш устида ҳам изланишларни амалга оширмоқда.

«Кукуш ота» деган фильм студиянинг дастлабки ижод намунаси сифатида юзага келди. «Мен сени севаман», «Ўсмир» каби навбатдаги қизиқарли экран асарлари ҳам томошабинларга тақдим этилди. Уларда болалар руҳий олами ва ҳаётий муаммолари ўз талқинини топди.

Студия янги фотоальбомни тайёрлашга киришди. Унга киритилган суратлар ранг-баранг бўлиб, болалар турмуш тарзини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

XIX қишки Олимпия ўйинлари ниҳоясига етди

КЕЛГУСИ БЕЛЛАШУВЛАР – ТУРИНДА



АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида икки ҳафта давом этган қишки Олимпия ўйинлари ниҳоясига етди. 24 феврал куни шаҳардаги муҳташам Олимпия стадионида мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Фигурали учиш усталарининг ажойиб кўргазмали чиқишларидан сўнг Халқаро Олимпия Қўмитаси раиси Жак Рогге спортчилар, меҳмонлар ҳамда ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигини изҳор эта туриб, Олимпия байроғини бўлғуси беллашувлар мезбони — Турин шаҳри мэрига топширди.

Айтиш керакки, XIX қишки Олимпия ўйинлари тарихга кўплаб рекорд натижалар қайд этилганлиги билан муҳрланди. Мусобақалар якунида 12 та олтин, 16 та кумуш ва 7 та бронза медаллари соҳибига айланган Германия терма жамоаси бу борада энг юқори кўрсаткичга эришди. Шунингдек, 33 та медални қўлга киритган АҚШ олимпиячилари ҳам шу пайтга қадар рекорд натижа ҳисобланган 1988 йилги оқ олимпиададаги собиқ иттифоқ спортчилари натижаларини янгилашди. Россия, Канада ва АҚШнинг кучли спортчиларини ортда қолдирган норвегияликлар муваффақиятини ҳам мусобақанинг ўзига хослиги билан изоҳлаш мумкин.

Россиялик чанғичи Лариса Лазутина беллашувларнинг сўнгги кунида яна бир бор зафар қучиб, олти карра Олимпиада чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. 1500 метрга конькида югуриш бўйича олтин медални қўлга киритган германиялик Анни Фризингер 1 дақиқа 54,02 сония натижа билан энг юқори чўққини забт этди. Аҳамиятлиси, аввалги жаҳон рекорди ҳам унга тегишли бўлиб, Канаданинг Калгари шаҳрида ўтказилган мусобақаларда ўрнатилган эди. Ўзига энг кўп томошабинларни жалб этган хоккей мусобақаларининг финал ўйинида Канада ва АҚШлик спортчилар муз майдонига тушишди. Ғоят кескин ўтган баҳсда канадалик хоккейчилар қўшниларини 5:2 ҳисобида мағлуб этишди. Бу Канада хоккейчиларининг сўнгги 50 йил ичидаги илк ғалабаси бўлди. Учинчи ўрин мазкур олимпиадада кутилганидек қатнаша олмаган россияликларга насиб этди. Чорак финалда барчани ажаблантириб шведларни мағлубиятга учратган Беларус хоккейчилари кўплаб моҳир ўйинчиларни ўзида жамлаган Россия жамоаси олдида ожиз қолди: 7:2. Шунга қарамасдан, нуфузли мусобақада кўрсатилган бу натижа муваффақиятли деб баҳоланмоқда.

Дарвоқе, «Солт-Лейк-Сити-2002»да кўплаб натижалар ҳисобга олинмади, топширилган медаллар ўз эгаларидан қайтариб олинди. Худди шу жиҳати билан ҳам у бунгача ўтказилган олимпия мусобақаларидан ажралиб турди. Масалан, Испания вакили Йохан Мюлёгнинг қон таркибидан таъқиқланган моддалар топилгани сабабли унинг олтин медали россиялик Михаил Ивановга топширилди. Фигурали учиш бўйича мусобақаларда спортчилар иштирокини баҳолаб борган франциялик ҳакам Мари-Рен Ле Гунь эса ноҳолислиги туфайли беллашувларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Айтганча, айни шу мусобақаларнинг жуфтлик баҳсларида ташкилотчилар яна бир ажабланарли ишга қўл урдилар: Россия ҳамда канадалик фигурали учиш усталари ўз уйларига олтин медаллар билан қайтишди.

Мусобақаларнинг сўнгги кунлари кўпроқ омад АҚШ, Германия ва Норвегия спортчилари томонида бўлди. Скелетон мусобақаларида мезбонлар — эркаклар ўртасида Жим Шиа, аёллар орасида Тристан Гэйл ғалаба қозондилар. Биатлон бўйича Норвегия терма жамоаси аъзолари эстафетага биринчи бўлиб келишди. Конькида югуриш бўйича Германия вакили Клаудиа Пехштайн ўз жамоасига ўн биринчи олтин медални тортиқ қилди. Шунингдек, 3000 метрга ўтказилган шорт-трек эстафетасида Жанубий Корея вакиллари, тоғ чанғиси баҳсларида хорватиялик Яница Костелич ҳам мусобақа шоҳсупасининг энг юқорисига кўтарилди.

Умуман, қишки Олимпия ўйинлари якунларига назар ташлайдиган бўлсак, совриндорлар сафида 25 мамлакат спортчилари борлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Германия, Норвегия, АҚШ ва россияликлар қаторида Канада, Франция, Финляндия, Нидерландия, Италия, Швейцария вакиллари ҳам ўнлаб медалларни жамғаришга муваффақ бўлишган. Қитъадошларимиз Хитой — 14 (2 та олтин, 2 та кумуш, 4 та бронза), Жанубий Корея — 15 (2 та олтин, 2 та кумуш) ва японияликлар — 23-ўрин(1 та кумуш, 1 та бронза)-ни эгаллашган.

К.ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.

СИМ ЎҒРИЛАРИ

Қилмиш — қидирмиш

Зомин тумани йўл патрул хизмати ходимларига катта тезликда келаётган «13 С 9219» рақамли «Москвич» шубҳали туюлди. Улар машинани тўхтатиб, кўздан кечирганида юкхонасидан резина қўлқоп, сим кесадиган қайчи, симёғочга чиқадиган мослама топилди. Маълум бўлишича, беш ҳамтовоқ: Абдурасул, Йўлдош, Абдулла, Зафар, Олим ўзаро тил бириктириб, 11 та симёғоч оралиғидаги 2 минг метрлик алюмин симни кесиб олган экан.

Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот хизматидан олинган хабарга қараганда, ўғрилар бу кирдикорлари билан Ғаллаорол газ қувурлари тармоғи корхонасига 450 минг сўмлик моддий зарар етказган. Айни пайтда улар устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов бошланди.

(ЎзА).

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиали аукцион савдоларига таклиф этади!

2002 йил 3, 9 апрел кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади.

1.Кармана тумани Қишлоқ хўжалик коллежига қарашли эски автохўжалик биноси.
Бошланғич баҳоси – 1 500 000 сўм.

2. Конимех тумани Молия бўлимига қарашли 1993 йилда ишлаб чиқарилган ВАЗ-2107 русумли, давлат рақами 21 АВ 128 автомашинаси.
Бошланғич баҳоси – 444 200 сўм.

3. Нурота тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 1983 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-130 русумли, давлат рақами 39 – 45 НВМ автомашинаси.
Бошланғич баҳоси – 319000 сўм.

2002 йил 3, 9 апрел кунлари Навоий шаҳрида соат 16.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган танлов савдоларига қуйидаги объект қўйилади.

Хатирчи туман «Пахтатозалаш» АЖга карашли «Пахтаой» болалар боғчаси.
Бошланғич баҳоси – 11 806 000 сум

Танлов савдоларидан объектни сотиб олишнинг шартлари.

1. Сотиб олинган объект фаолият турини сақлаб қолган ҳолда ишни ташкил қилиш.
2. Объект хусусийлаштирилгандан сўнг унинг фаолиятини маҳаллий ҳокимлик билан келишилган ҳолда юритиш.
3. Сотиб олинган объектни қайта таъмирлаш ва унинг хизмат кўрсатишини жаҳон талабларига мос равишда ташкиллаштириш.
4. Хусусийлаштирилган объектларни бошқа шахсларга ижарага беришда, сотишда маҳаллий ҳокимлик ва Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси билан келишилган ҳолда амалга ошириш.

2002 йил 5,11,16 апрел кунлари соат 15.00 да Қизилтепа тумани ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

Қизилтепа шаҳар Маликобод қўрғони ҳудудидан уй-жой учун 10 дона, майдони 600 кв.м ер майдонлари.
ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 15000 сўмдан.
Қизилтепа тумани А.Навоий хўжалиги ҳудудидан уй-жой қуриш учун 2 дона майдони 600 кв.м ер майдонлари.
ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 14000 сўмдан.

2002 йил 5,11,16 апрел кунлари соат 15.00 да Қизилтепа тумани ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

Қизилтепа тумани «Пахтатозалаш» АЖга қарашли «Олтин балиқча» болалар боғчаси.
Бошланғич баҳоси – 23 174 000 сўм.

Танлов савдоларидан объектни сотиб олишнинг шартлари:

1.Сотиб олинган объект фаолият турини сақлаб қолган ҳолда ишни ташкил қилиш.
2.Объект хусусийлаштирилгандан сўнг унинг фаолиятини маҳаллий ҳокимлик билан келишилган ҳолда юритиш.
3.Сотиб олинган объектни қайта таъмирлаш ва унинг хизмат кўрсатишини жаҳон талабларига мос равишда ташкиллаштириш.
4.Хусусийлаштирилган объектларни бошқа шахсларга ижарага беришда, сотишда маҳаллий ҳокимлик ва Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси билан келишилган ҳолда амалга ошириш.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин, ер майдонлари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси 24-уй.
Телефонлар: (43622) 4-15-61, 4-64-31.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топширилди – 21.00
Топширилди 22.35

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 122. 1 2 3 4 5 6